

Қорақалпоғистонда жума шукуҳи



09:41 / 05.08.2023 1418

Жорий йилнинг 4 август куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан тасдиқланган режага мувофиқ, пойтахтимизда фаолият юритаётган юртимизнинг бир гуруҳ имом-хатиблари Қорақалпоғистон Республикасидаги жомеъ масжидларга ташриф буюриб, у ерда мавъизалар қилиб, жума намозларини ўқиб бердилар.

Хусусан, «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жомеъ масжиди имом-хатиби, устоз Исмоил домла Муҳаммад Содиқ Тахиятош туманида жойлашган «Сариқ эшон» жомеъ масжидига ташриф буюрдилар. У ерда намозхонлар билан учрашиб, уларга маърифий суҳбатлар қилиб, жума намозини ўқиб бердилар.

Шунингдек, Тошкент шаҳар бош имом-хатиби ўринбосари Абдуллоҳ домла Йўлдошев Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани «Ноғай эшон» жомеъ масжидига, Олмазор тумани «Имом ат-Термизий» масжиди имом-хатиби Исоқжон домла Бегматов Амударё тумани «Қўзибой бобо» масжидига ташриф буюриб, мўмин-муслмонларга маърифий суҳбатлар қилиб бердилар. Шу билан бирга Олмазор тумани «Сирож солиҳ» жомеъ масжиди имом-хатиби Ҳасан домла Қодиров Амударё тумани «Баба Рустам» масжидига, Сергели тумани «Қўшқўрғон» жомеъ масжиди имом-хатиби Ўктам домла Маҳкамов Тахиятош тумани «Муҳаммад Мурод эшон» масжидига, Шайхонтоҳур тумани «Доруссалом» жомеъ масжиди имоми Муҳаммадраҳим домла Абдуқодиров Шўманай тумани «Шўманай» масжидига ташриф буюриб, намозхонларга маъруза қилиб, жума намозларини ўқиб бердилар

Уламоларнинг чекка ҳудудларга қилган ташрифлари, намозхонлар билан учрашиши, улар билан дилдан суҳбатлашиб, илмий-маърифий мавъизалар қилиб беришлари жамоатнинг шодлигига, хуррамлигига сабаб бўлди.

Аллоҳ таоло ушбу суҳбатларни давомли ва барчамизга манфаатли қилсин.







